



# МОЛИЯ

ИЛМИЙ ЖУРНАЛ

ISSN 2010-9601

3  
2015



ТОШКЕНТ

# МОЛИЯ

ИЛМИЙ ЖУРНАЛ

3/2015

Муассис: Тошкент молия институти

## Таҳририят ижодий жамоаси:

Бош муҳаррир:	А. Каримов
Бош муҳаррир ўринбосарлари:	Н. Ҳайдаров Х. Шеннаев
Масъул котиб:	А. Сапаров
Муҳаррир:	М. Хусанова
Техник муҳаррир:	М. Икромов
Саҳифаловчи:	А. Тиллаҳўжаев
Корректор:	К. Раҳматов

Журнал Ўзбекистон Республикаси Матбуоти ва ахборот агентлиги томонидан 2008 йил 24 мартда 0519-рақами билан рўйхатга олинган.

2008 йилдан нашр қилинади, бир йилда 6 марта чиқади.

Ўзбекистон ҳудудида тарқатилади.

«Молия» илмий журнали Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси раёсатининг 2009 йил 26 мартдаги 153/5-сонли Қарорига биноан иқтисод фанлари бўйича фан доктори ва фан номзоди илмий даражаларига талабгорларнинг диссертация ишлари юзасидан илмий мақолалари эълон қилиниши зарур бўлган ОАК илмий журналлари рўйхатига киритилган.

Веб-сайт: [www.tfi.uz/Issues/Jmoliya](http://www.tfi.uz/Issues/Jmoliya)  
e-mail: [moliya@tfi.uz](mailto:moliya@tfi.uz)  
Обуна индекси: 1204

Таҳририят манзили: 100084,  
Тошкент ш., Кичик ҳалқа йўли,  
7-уй. Тел: 234-66-89

## СУГУРТА ИШИ

- Б. Санакулова, Ф. Одилов.** Ўзбекистонда аграр секторни сугурталаш масалалари ..... 93
- С. Матиязова.** Анализ страхового рынка Узбекистана и тенденции его развития .... 97

## СОЛИҚЛАР ВА СОЛИҚҚА ТОРТИШ

- С. Ширинов.** Ер солиғи тушумларини прогноз қилиш масалалари ..... 101
- Ғ. Сафаров.** Табиий ресурслардан фойдаланганлик учун солиқлар ва тўловларнинг назарий тамойиллари ..... 105
- Ж. Аҳмедов.** Инновацион фаолиятни солиқлар орқали рағбатлантиришнинг хориж тажрибалари ..... 109

## ПЕНСИЯ ИШИ

- Ш. Закирходжаева.** Пенсия тизими ислоҳотларини чуқурлашуви ва инвестициялаш жараёнларининг ривожлантириш масалалари ..... 113

## ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

- А. Ваҳабов, Ш. Ражабов.** Европа Иттифоқи мамлакатларининг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти тенденциялари ..... 120

## ИҚТИСОДИЁТ ТАРМОҚЛАРИДА

- О. Камолов, Қ. Чинқулов.** Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш масалалари ..... 125
- Э. Турдиев, З. Пардасва.** Масъулият марказлари бўйича бошқарув ҳисобини ташкил қилиш ..... 130
- Д. Худайбергенов, И. Маткаримова.** Товар ва хизматлар бозорининг ривожланиш тенденциялари ..... 135
- Р. Тапматова.** Соғлиқни сақлаш соҳасини молиялаштириш масалалари ..... 140

Прогноз йили учун олиб борилган тадқиқотимизда ер солиғи тушумининг кутилаётган ўсиш суръати 1,042, 2014 йилда ҳақиқатда ундирилган ер солиғининг миқдори 603,2 млн сўм, прогноз йили учун кутилаётган ер солиғи йиғими 628,6 млн сўмга тенглашди.

Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, ер солиғи бўйича солиқ тушумларни прогнози кутилаётган ер солиғи суммасини аниқлашда ҳамда давлат бюджетини режалаштиришда асосий омилардан бири ҳисобланади.

#### Адабиётлар рўйхати

1. Перов А., Толкушкин А. Налоги и налогообложение: учебное пособие. – М.: Юрайт, 2012.
2. Тарасова В., Владыка М., Сапрыкина Т., Семькина Л. Налоги и налогообложение: учебник. – М.: Кнорус, 2012.
3. Майбуров И. и другие. Налоги и налогообложение: учебник. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2008.
4. <http://www.stat.uz> – Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси расмий сайти.

#### Ф. Сафаров

### ТАБИЙ РЕСУРСЛАРДАН ФОЙДАЛАНГАНЛИК УЧУН СОЛИҚЛАР ВА ТЎЛОВЛАРНИНГ НАЗАРИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ

*Мақолада табиий ресурслардан фойдаланганлик учун солиқлар ва тўловларнинг зарурати, мақсади, бу борадаги қарашлар, муаммолар ҳамда бартараф этишнинг айрим масалалари ёритилган.*

**Таянч сўзлар:** *хўжалик субъекти, табиий ресурслар, самара, фойдаланиш, ер солиғи, ер қаъри, махсус тўловлар, сув ресурслари.*

*В статье освещаются вопросы, связанные с налогами и платежами за пользование природными ресурсами, обосновывается их необходимость, актуализируются имеющиеся проблемы и даются некоторые аспекты их решения.*

**Ключевые слова:** *хозяйствующий субъект, природные ресурсы, эффективность, использование, земельный налог, недра, специальные платежи, водные ресурсы.*

*In the article are deliberated taxes and payments for using natural resources, their necessity and purposes, theories about them, related problems and some aspects of dealing with them.*

**Keywords:** *the managing subject, natural facility, efficiency, use, land-tax, depths, special payments, water facility.*

Солиқлар давлат бюджети даромадларини шакллантиришнинг асосий ва муҳим манбаи ҳисобланади. Шундан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, ҳамма вақт солиқларга эътиборсиз қаралмаган. Давлат бошқарувининг ҳеч бир даврида давлат бюджети даромадларини шакллантиришнинг солиқлардан

бошқа, самарали воситалари илмий жиҳатдан асосланмаганлигини алоҳида қайд этиш лозим. Кишилик жамияти тараққиётида солиқларни шаклланиш ва ривожланиш босқичларига назар ташлайдиган бўлсак, ушбу жараёнда табиий ресурслардан фойдаланганлик учун солиқлар даврлар нуқтаи назаридан солиқ тизимида турлича ўрин эгаллаб келган. Айрим даврларда мазкур солиқ тури солиқ тизимининг асосини ташкил этган бўлса (ҳаттоки, давлат харажатларини молиялаштиришнинг асосий манбаси ҳисобланган), айрим даврларда уларга камроқ эътибор берилган.


Табиий ресурслардан фойдаланганлик учун мажбурий тўловлар ёки бошқача айтганда солиқлар моҳиятини ўрганишда уларга даврлар нуқтаи назаридан баҳо бериш лозим. Иқтисодий ғояларнинг шаклланиши ва ривожланишида солиқларга доир кўплаб муаммолар кўтарилган ва ўрганилган бўлса-да, классик иқтисодий мактаб вакиллари (А. Смит, Д. Рикардо) иқтисодий ғояларида ҳам, сўнгги иқтисодий мактаб вакиллари (Д. Кейнс, А. Маршал) иқтисодий ғояларида ҳам табиий ресурслардан тежамкорлик билан ва оқилона фойдаланишни рағбатлантириш ва тартибга солиш бора-сидаги ғоялар учрамайди. Бироқ қадимги даврлардан эътиборан ер, ер ости бойликлари ва табиий ресурсларнинг бошқа турларидан фойдаланиш солиққа тортилиб келинган, яъни солиқлар воситасида тартибга солиш механизми муайян даражада мавжуд бўлган.

Шу ўринда табиий ресурслардан фойдаланганлик учун солиқлар ва тўловларнинг назарий тамойилларини кўриб чиқадиган бўлсак, хўжалик субъектлари ўз фаолиятлари давомида бевосита ёки бивосита атроф-муҳитга зарар етказиши мумкин. Шунинг учун ҳам улар табиат ва жамиятга етказилган ушбу зарарни қоплаши лозим. Хўжалик субъектларини атроф-муҳитга етказган зарарини қоплаш учун давлат томонидан махсус солиқ (Пигу солиғи) жорий этишга қаратилган ғоя инглиз иқтисодчиси А. Пигу томонидан асосланган бўлиб, унинг ғоясида хўжалик субъектининг ишлаб чиқариш ҳажми ўсишига мутаносиб равишда атроф-муҳитга етказадиган зарар миқдори ифодаланган. А. Пигу ўз ғоясини қуйидаги чизма орқали асослаб берган.

Чизмада ифодаланишига кўра, хўжалик субъектларининг ишлаб чиқариш даражаси  $Q_m$  га томон ўсиб боради, чунки улар мана шу нуқтага қадар фойда олади. Ўз навбатида, ишлаб чиқаришнинг ўсишига мутаносиб тарзда хўжалик субъектларининг атроф-муҳитга таъсири ҳам ошиб боради, яъни ишлаб чиқаришнинг  $Q_m$  даражасида атроф-муҳит учун етказиладиган зарар даражаси  $Z_m$  га тенг бўлади. Ифлослантириш шароитида  $Q_s$  даражасидаги ишлаб чиқаришнинг ижтимоий оптимал даражасига эришиш учун давлат томонидан атроф-муҳитни ифлосланиш зарарига тенг миқдордаги солиқ жорий қилиниши керак. Бунда солиқ миқдорининг  $t$  га тенг даражаси соф фойда эгри чизиги ва экстремал харажатлар эгри чизикларининг кесилиши нуқтаси билан аниқланади. Хўжалик субъектлари «ифлослантирадиган» маҳсулотнинг ҳар бир бирлиги учун давлатга  $t$  солиқни тўлаши шарт. Агар корхона ижтимоий оптимал даражадан кўп маҳсулот ишлаб чиқаришга қарор қилса ( $Q_s$ ), у ҳолда олинаётган фойда ҳажми  $t$  солиқдан кам бўлади ва ишлаб чиқаришнинг бундай ҳажми корхона учун зарарли ҳисобланади.

1-чизма

## Атроф-муҳитни ифлослантирганлик учун оқилона Пигу солиғи



Ҳўжалик субъектларининг атроф-муҳитни ифлослантирганликлари учун махсус солиқларнинг жорий қилиниши, уларни ижтимоий тоза маҳсулот ишлаб чиқаришини ва ишлаб чиқариш ҳажмини  $Q_s$  гача камайтиришга ундайди. Ўз навбатида ҳўжалик субъектларининг атроф-муҳитни ифлослантиришининг оптимал даражаси ҳисобланган  $Z_s$  даражасига эришилади[1].

Амалиётда ифлослантиришга оптимал солиқни жорий қилишнинг қатор муаммолари мавжуд. Самарадорлик нуқтаи назаридан А.Пигу томонидан асосланган идеал солиқ ифлослантиришларнинг экстремал харажатларини аниқ акс эттириши керак. Амалий жиҳатдан ёндашганда ушбу гоёни амалга ошириш аниқ ҳисоб-китобларнинг олиб бориш имкони йўқлиги боис қатор муаммоларни келтириб чиқаради. Шунинг учун ҳам кўп ҳолларда бу борада тахминий ҳисоб-китоблар асосида қарорлар қабул қилинади.

Иқтисодийта табиий ресурслардан фойдаланганлик учун солиқлар ва бошқа иқтисодий воситаларни (тўловлар, лицензиялаш) жорий қилиш ҳўжалик субъектларининг ишлаб чиқариш самарадорлигига таъсир кўрсатиши, табиий ресурсларга доир жамият манфаатларини ҳимоя қилиши, табиий ресурслардан самарали ва оқилона фойдаланишни таъминлашга қаратилган технологияларга инвестицияларни рағбатлантиришдаги тўғри экологик мувозанатни таъминлаши лозим.

Жаҳон амалиётда табиий ресурслардан фойдаланганлик учун ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишга қаратилган солиқлар тартибга солувчи ва молиялаштирувчи солиқларга бўлинади.

1. Тартибга солувчи солиқлар тўғридан-тўғри ҳўжалик субъектларининг табиий ресурслардан фойдаланишини тартибга солиш, солиқ миқдори атроф-муҳитга етказиладиган зарар миқдоридан, техник имкониятлардан ва ҳўжалик фаолиятининг иқтисодий рентабеллигидан келиб чиқиб белгиланади.

2. Молиялаштирувчи солиқлар табиий ресурсларни муҳофаза қилиш ва такрор ишлаб чиқариш учун молиявий ресурсларни шакллантиришга хиз-

мат қилади. Ушбу турдаги солиқларнинг хусусиятлари хўжалик фаолиятининг табиий ресурсларга қатъий салбий таъсири билан боғлиқ бўлмай, солиқ миқдори фойдалилик даражаси (рента) ва узлуксиз молиявий тушумлар мезони асосида белгиланади.

Табиий ресурслардан фойдаланганлик учун солиқларнинг жорий этилиши табиатдан фойдаланишни иқтисодий тартибга солиш, турли хил табиий ресурслардан самарали ва оқилона фойдаланиш, табиатни ва табиий ресурсларни муҳофаза қилиш ва такрор ишлаб чиқариш учун молиявий ресурсларни шакллантириш каби мақсадларни кўзлайди. Улар ердан, сув объектларидан, ер ости бойликларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш самарасини оширишга, минерал-хом ашё ресурсларини қазиб олиш ва улардан оқилона фойдаланишга ижобий таъсир этишга қаратилади.

Давлатнинг табиий ресурслардан фойдаланганлик учун солиқ сиёсати икки йўналишда амалга оширилади:

– табиий ресурслардан фойдаланганлик учун махсус солиқлар жорий этиш;

– имтиёзли солиққа тортиш ва солиқдан озод қилиш.

Мамлакатимиз солиқ тизимида табиий ресурс солиқларига ер солиғи, ер қаъридан фойдаланувчилар учун солиқлар ва махсус тўловлар, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ киради[2]. Жорий этилган махсус солиқлар орқали табиий ресурслардан фойдаланиш муайян даражада тартибга солинса, имтиёзли солиққа тортиш орқали хўжалик субъектларининг табиатни муҳофаза қилиш тadbирлари рағбатлантирилади. Шунингдек, айрим табиий ресурслардан метёридан ортиқ фойдаланганлик учун иқтисодий жазо чоралари ҳам белгиланган.

Табиий ресурслардан фойдаланиш билан боғлиқ солиқларнинг жорий этилиши фискал аҳамият касб этиши билан бирга, ресурслардан самарали ва оқилона фойдаланишни таъминловчи иқтисодий механизм сифатида ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Шу ўринда табиий ресурсларга бой ўлкамизда улардан самарали ва оқилона фойдаланишни йўлга қўйишда табиий ресурслардан фойдаланганлик учун махсус солиқларнинг мақбул тизимининг жорий этилиши, бир томондан табиий ресурсларни даврлар бўйича тенг тақсимлаган ҳолда улардан самарали ва оқилона фойдаланиш зарурати билан ифодаланса, иккинчи томондан, табиий ресурсларни қайта тиклаш ҳамда сифат ҳолатини яхшилаш учун давлат харажатларини молиялаштириш зарурати билан белгиланади.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, республикамиз солиқ тизимида хўжалик субъектларининг табиий ресурслардан фойдаланиши билан боғлиқ солиқлар жорий этилган бўлса-да, уларнинг амалдаги механизмни табиий ресурслардан фойдаланганлик учун солиқлар ва тўловларнинг назарий тамойиллари билан қиёслайдиган бўлсак, бу борада қатор муаммоларни кўриш мумкин. Жумладан, сўнгги йилларда республикамиз солиқ тизимини ислоҳ қилишда соддалаштирилган солиққа тортиш тартибларига кенг эътибор берилиши натижасида хўжалик субъектларининг табиий ресурслардан фойдаланишини ва уларнинг атроф-муҳитга таъсирини солиқлар воситасида рағбатлантиришга деярли эътибор берилмапти. Натижада, республикамизда табиий ресурслардан фойдаланишда иқтисодий механизмлар самарасини пасайтиришга олиб келмоқда.

Бу ҳолат республикамиз солиқ тизимини табиий ресурслардан фойдалан-  
галик учун солиқлар ва ўловларнинг назарий тамойилларидан келиб чиққан  
ҳолда такомиллаштириш заруратини тақозо этади.

**Биринчидан**, хўжалик субъектларининг солиқ мажбуриятларини уларни  
табиий ресурслардан фойдаланиш даражасига боғлиқ ҳолда шакллантириш,  
яъни уларнинг умумий солиқ юкани оширмаган ҳолда кўпроқ эътиборни  
ресурс солиқларига қаратиш.

**Иккинчидан**, содалаштирилган солиққа тортиш тартибдаги солиқ  
ўловчилар учун босқичма-босқич ресурс солиқларини жорий этиш лозим.

#### Адабиётлар рўйхати

1. Бобылев С.Н., Ходжаев А.Ш. Экономика природопользования. – М.: ТЕИС, 2012.
2. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. – Т.: Адолат, 2013.

Ж. Аҳмедов

### ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТНИ СОЛИҚЛАР ОРҚАЛИ РАҒБАТЛАНТИРИШНИНГ ХОРИЖ ТАЖРИБАЛАРИ

*Мақолада инновацион фаолиятни солиқлар орқали рағбатлантиришнинг хори-  
жий мамлакатлар тажрибалари умумлаштирилган ҳолда ўрганилган.*

**Таянч сўзлар:** инновацион фаолият, солиқ имтиёзлари, солиқ кредити, тез-  
лаштирилган амортизация усули, корпорациялар даромад солиғи.

*В статье рассматривается зарубежный опыт налогового стимулирования  
инновационной деятельности.*

**Ключевые слова:** инновационная деятельность, налоговые льготы, налоговый  
кредит, метод ускоренной амортизации, корпоративный подоходный налог.

*This article examines the international experience of tax incentives for R&D.*

**Keywords:** innovation activity, tax incentives, tax credit, method of accelerated  
depreciation, corporate income tax.

Иқтисодиётни ривожлантириш учун муҳим шартлардан бири иннова-  
цион фаолиятни қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирларни давлат  
томонидан ишлаб чиқиш ва амалда қўллаш билан белгиланади. Кўпгина  
хорижий давлатларда солиқ имтиёзларининг қўлланилиши ҳукуматларнинг  
хусусий бизнес вакилларининг илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик  
ишларини молиялаштиришга рағбат уйғотиш билан ифодаланади. Бу муҳим  
вазифани бажаришда солиқ имтиёзларидан самарали фойдаланиш масаласи,  
айниқса, долзарб ҳисобланади.

Жаҳон миқёсида кузатилаётган глобал солиқ ислохотлари шароитида  
инновацион фаолиятни солиқлар орқали рағбатлантиришнинг назарий ва  
амалий жиҳатларини доимий равишда такомиллаштириб бориш зарур. Бу  
эса, ўз навбатида, инновацион фаолиятга қаратилган солиқ имтиёзларининг  
самарали шакллари излашни тақозо этади.